

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

**БОЛАЛАРНИНГ ДАМ  
ОЛИШИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ  
ВА СОҒЛОМЛАШТИРИШ  
БЎЙИЧА  
УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА**

Тошкент - 2024



**БОЛАЛАРНИНГ ДАМ  
ОЛИШИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА  
СОҒЛОМЛАШТИРИШ БЎЙИЧА**

**УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА**

Болаларнинг дам олишини ташкил этиш ва соғломлаштириш бўйича услубий қўлланма. Т.: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2024. – 32 бет.

Мазкур услубий қўлланма болаларнинг дам олишини ташкил этиш ва уларни соғломлаштириш жараёнини ҳуқуқий-услубий жиҳатдан мустаҳкамлаш, оромгоҳлар ҳамда дам олиш масканларининг фаолиятини тизимли равишда такомиллаштириш мақсадида ишлаб чиқилди. Шу билан бирга, ушбу қўлланма болалар соғломлаштириш оромгоҳларида амалга ошириладиган таълим-тарбия, маданий-маърифий, соғломлаштирувчи ҳамда спортга йўналтирилган чоратadbирларни ҳуқуқий асосда тартибга солиш, болалар дам олишини ташкил этишда масъул мутахассислар ва муассисалар, шунингдек бошқа тузилмалар ўртасида ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш, уларнинг иш самарадорлигини ошириш чораларини белгилаш, бу борадаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ муқаррар эҳтиёжларни таъминлашни назарда тутди.



Қонунчилик ҳужжатлари ўзгариши муносабати билан ушбу қўлланма такомиллаштириб борилади, шу сабабли, қўлланманинг янгиланган санасига эътибор қаратиш лозим.

**Ушбу услубий қўлланма тавсиявий хусусиятга эга.**

## МУНДАРИЖА

Фойдаланилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар.....	5
Умумий қоидалар.....	7
Болалар соғломлаштириш оромгоҳлари.....	8
Болаларнинг дам олиши ва соғломлаштирилишини ташкил этиш.....	14
Болаларнинг дам олиши ва соғломлаштирилиши жараёни иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.....	16
Оромгоҳларни молиялаштириш.....	19
Болалар соғломлаштириш оромгоҳлари базасида ташкил этиладиган дам олиш масканлари.....	21
Болаларнинг дам олишларини тизимли ташкил этиш ва соғломлаштириш масалалари бўйича республика ва ҳудудий комиссиялар.....	24
Илова.....	30

# БОЛАЛАРНИНГ ДАМ ОЛИШИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА СОҒЛОМЛАШТИРИШ БЎЙИЧА УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА

<p>Ўзбекистон Республикаси Конституцияси</p>	
<p>Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 27 февраль “Болаларнинг дам олишени ташкил этиш ва соғломлаштириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 84-сон қарори;</p>	

# УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

Боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш, унинг жисмоний, ақлий ва маданий жиҳатдан тўлақонли ривожланиши учун энг яхши шарт-шароитларни яратиш давлатнинг мажбуриятидир.

## Ўзбекистон Республикаси Конституцияси

Ёшларни муносиб иш ва даромад билан таъминлаш, замонавий касблар, хорижий тиллар ва IT-технологиялар ўргатиш, тадбиркорликка жалб қилиш бўйича кенг қамровли чоралар кўрилмоқда. Шунингдек, ёшлар учун мазмунли дам олиш ва соғломлаштириш чораларини такомиллаштириш ва уларнинг доимий тизимини яратиш зарур.

## БОЛАЛАР СОҒЛОМЛАШТИРИШ ОРОМГОҲЛАРИ БОЛАЛАРНИНГ ЁШИНИ ЭЪТИБОРГА ОЛГАН ҲОЛДА, ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАШГАН ЙЎНАЛИШЛАРДА ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ:



**Интеллектуал ривожлантириш оромгоҳлари.** Бундай оромгоҳлар фан олимпиадалари, таълим соҳасининг турли даражадаги мусобақалари ғолиблари бўлган 10—14 ёшгача болаларнинг дам олиши ва соғломлаштирилиши учун йўналтирилиб, унда бир ёки бир нечта фанлар ёхуд тиллар чуқурлаштирилган тарзда ўргатилади;



**Спорт-соғломлаштириш оромгоҳлари.** Бундай оромгоҳлар 8—16 ёшгача болаларнинг ўқув-машқ жараёнини давом эттириш, спорт маҳоратини такомиллаштириш, жисмоний тайёргарлик даражасини ошириш, соғлиғини мустаҳкамлашга йўналтирилган бўлиб, унда болаларнинг ёши ва спорт турининг ўзига хос хусусиятлари асосида ҳар хил гуруҳлар тузилади;



**Санаторий-соғломлаштириш оромгоҳлари.** Бундай оромгоҳлар юрак қон-томир тизимининг касалланиши, нафас олиш, овқат ҳазм қилиш, таянч-ҳаракат аппаратининг ўзига хос бўлмаган хусусиятлари билан бетоб бўлиб турадиган 7 — 14 ёшгача болаларнинг дам олиши ва соғломлаштириш учун ташкил этилади;



**Меҳнат ва дам олиш оромгоҳлари.** Бундай оромгоҳлар 15 — 18 ёшгача болаларнинг ижтимоий фойдали меҳнатида дам олиш ва соғломлаштириш билан бирга қўшиб олиб боришига йўналтирилиб, болалар ижтимоий фойдали меҳнатга тайёрланади ва уларнинг меҳнат кўникмалари шакллантирилади;



**Ҳарбий-спорт оромгоҳлари.** Бундай оромгоҳлар 12 — 17 ёшгача болаларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш мақсадида ташкил этилади;



**Экологик-биологик ва ўлкашунослик оромгоҳлари.** Бундай оромгоҳларда 7 — 14 ёшгача болалар учун сайёҳлик-ўлкашунослик ва экскурсия ишлари ташкил этилади, уларга мамлакатимизнинг табиий, ижтимоий-иқтисодий ва тарихий жиҳатдан ўзига хос жиҳатлари чуқур ўргатилади;



**Ихтисослашган болалар оромгоҳлари.** Бундай оромгоҳлар 7 — 14 ёшгача болаларнинг етакчилик ва фаоллигини шакллантириш, уларнинг ижтимоий мослашув кўникмаларини оширишга йўналтирилади.

*Манфаатдор ташкилотларнинг таклиф ва ташаббуслари асосида бошқа йўналишлардаги болалар соғломлаштириш оромгоҳлари фаолияти йўлга қўйилиши мумкин.*







# БОЛАЛАР СОҒЛОМЛАШТИРИШ ОРОМГОҲЛАРИ






Оромгоҳ санитария нормалари, қоидалари ва гигиена нормативлари, хавфсизлик талабларига тўлиқ жавоб берадиган ва қулай шароитда болаларнинг кундалик ҳаёт тарзига риоя этиши, сифатли овқатланиши, ижодий ва илмий салоҳиятининг ривожланиши, соғлом турмуш тарзи кўникмаларининг шаклланиши, дам олиши, саломатликларининг тикланиши ва мустаҳкамланиши, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишларини таъминловчи соғломлаштириш ташкилоти ҳисобланади.

## Қуйдагилар оромгоҳнинг вазифалари ҳисобланади:

-  болаларнинг дам олиши ва соғломлаштирилишини ташкил этиш;
-  болаларнинг жисмоний, интеллектуал, маънавий ва ахлоқий камол топишига кўмаклашиш;
-  болаларни тарихий ва миллий анъаналар ҳамда маънавий қадриятлар билан таништириш, уларда мафкуравий иммунитетни ҳамда умуминсоний ва миллий қадриятларни шакллантиришга кўмаклашиш;
-  болаларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш ҳамда интеллектуал ривожланган ва салоҳиятли ёшларни тарбиялашга ҳисса қўшиш.

## Оромгоҳ ўзига юклатилган вазифаларга мувофиқ қуйдаги функцияларни амалга оширади:

-  болаларнинг ҳар томонлама камол топиши, хусусан, уларнинг қизиқишлари, иқтидорининг ривожланиши, мустақил билим олиши ва ижодий меҳнат қилиши учун зарур шарт-шароитлар яратади;
-  болаларнинг эҳтиёжларига мувофиқ уларнинг ижодий имкониятларини ривожлантиришга қаратилган тўғарақлар ташкил этади, қўшимча таълим хизматларини кўрсатади;
-  болалар билан санъат ва ҳунармандчилик йўналишлари бўйича машғулотлар ўтказиши;



қобилиятли ва иқтидорли болаларни аниқлайди, уларнинг маҳоратини ривожлантиришга қаратилган мусобақалар, техник, бадиий ижодиёт, ўлкашунослик, экология ва бошқа йўналишлардаги тадбирларни ташкил этади;



таълим ташкилотлари билан яқин ҳамкорлик қилади, уларнинг мутахассислари иштирокида семинарлар, тренинглар, давра суҳбатлари, мастер класслар ўтказади;



дам олиш ва соғломлаштиришга қабул қилинган болаларнинг ҳисобини юритади;



оромгоҳлар фаолиятига оид қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқади.

## ➤ ОРОМГОҲЛАР ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ◀

**Оромгоҳлар стационар оромгоҳлар ва кундузги оромгоҳларга ажратилади.**



**Стационар оромгоҳлар** — стационар база асосида қурилган ёки вақтинчалик ижарага олинган объектларда ташкил этилиб, унда смена давомида болаларнинг дам олиши ташкил этилади ва соғломлаштирилади.



**Кундузги оромгоҳлар** — умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари, спорт, ижтимоий хизмат кўрсатиш, санаторий-курорт муассасаларида вақтинчалик ташкил этилиб, унда фақатгина кундуз куни болаларнинг дам олиши ташкил этилади ва соғломлаштирилади.



**Оромгоҳ жисмоний ва юридик шахслар** (*кейинги ўринларда — муассис*) томонидан **ташкил этилади**. Оромгоҳ бир нечта муассислар ва касаба уюшмаларининг биргаликдаги қарори асосида ташкил этилиши мумкин.



**Стационар оромгоҳ** юридик шахс ҳисобланиб, мустақил балансга, банк ҳисобварағига, ўз номи ёзилган муҳрга, штамп ва бланкаларга эга бўлади.



Оромгоҳ фаолиятига **раҳбарликни** муассис, муассис **бир нечта бўлганда келишув асосида улардан бири томонидан** тайинланадиган оромгоҳ раҳбари амалга оширади.



Оромгоҳда болаларни соғломлаштириш **муддатлари муассис(лар) томонидан белгиланади**. Бунда соғломлаштириш муддатлари **ёзги мавсумда 10 кундан, кузги, қишки ва баҳорги мавсумда 7 кундан кам бўлмаслиги лозим**.

Оромгоҳда болаларнинг ёшини ҳисобга олган ҳолда гуруҳлар тузилади. **Гуруҳлардаги болалар сони 7 — 9 ёшдаги болалар учун 30 нафардан, 10 — 14 ёшдаги болалар учун 40 нафардан ошмаслиги керак**.

## ➤ ОРОМГОҲЛАР ФАОЛИЯТИНИ ИХТИСОСЛАШТИРИШ ◀

**Стационар оромгоҳ қуйидаги ихтисослашган йўналишларда ташкил этилади:**

- интеллектуал ривожлантириш оромгоҳлари;
- спорт-соғломлаштириш оромгоҳлари;
- санаторий-соғломлаштириш оромгоҳлари;
- ҳарбий-спорт оромгоҳлари;
- экологик-биологик ва ўлкашунослик оромгоҳлари;
- ихтисослашган болалар оромгоҳлари.



**Кундузги оромгоҳ қуйидаги ихтисослашган йўналишларда ташкил этилади:**

- меҳнат ва дам олиш оромгоҳлари;
- спорт-соғломлаштириш оромгоҳлари;
- экологик-биологик ва ўлкашунослик оромгоҳлари.



**Интеллектуал ривожлантириш оромгоҳлари** фан олимпиадалари, таълим соҳасининг турли даражадаги мусобақалари ғолиблари бўлган **10 — 14 ёшгача** болаларнинг дам олиши ва соғломлаштирилиши учун йўналтирилиб, унда бир ёки бир нечта фанлар ёхуд тиллар чуқурлаштирилган тарзда ўргатилади.

Интеллектуал ривожлантириш оромгоҳлари интеллектуал ўқув машғулотлари ва **маданий-маърифий тадбирлар дастурлари асосида** фаолият кўрсатади.

**Интеллектуал ўқув машғулотлари** дастури фан йўналишлари бўйича дарс ва тўғарак машғулотлари, маҳорат дарслари, фан кечалари, интеллектуал мусобақа, викторина ва бошқа танловлар **шаклида амалга оширилади.**


**Маданий-маърифий тадбирлар дастури** спорт мусобақалари, ижодий учрашувлар, бадиий кечалар ва концерт дастурлари, иншо ва расмлар танловлари, шунингдек, оромгоҳлар учун тавсия этилган фильмлар намойиши **шаклида ташкил этилади.**

**Интеллектуал ўқув машғулотлари** ва маданий-маърифий тадбирлар дастурларини амалга оширишга олимлар ва олий таълим ташкилотларининг профессор-ўқитувчилари, адабиёт ва санъат арбоблари **жалб этилади.**



**Ҳарбий-спорт оромгоҳлари 12 — 17 ёшгача** болаларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш мақсадида ташкил этилади.

Ҳарбий-спорт оромгоҳларида спорт машғулотлари, психологлар иштирокида семинар-тренинглари ва турли маданий-маърифий **тадбирлар ўтказилади.**



**Спорт-соғломлаштириш оромгоҳлари 8 — 16 ёшгача** болаларнинг ўқув-машқ жараёнини давом эттириш, спорт маҳоратини такомиллаштириш, жисмоний тайёргарлик даражасини ошириш, соғлиғини мустаҳкамлашга йўналтирилган бўлиб, унда болаларнинг ёши ва спорт турининг ўзига хос хусусиятлари асосида ҳар хил гуруҳлар тузилади.

**Спорт-соғломлаштириш оромгоҳларидаги ўқув-машқ жараёни** болалар спорт мактаблари учун мўлжалланган **дастурлар асосида мураббийлар томонидан олиб борилади.**

Спорт-соғломлаштириш оромгоҳига **тарбиячи ва етакчилар** сифатида болалар учун спорт йўналишидаги таълим ташкилотларининг **мураббийлари жалб этилади.**



**Санаторий-соғломлаштириш оромгоҳлари** юрак қон-томир тизими касалланиши, нафас олиш, овқат ҳазм қилиш, таянч-ҳаракат аппаратининг ўзига хос бўлмаган хусусиятлари билан бетоб бўлиб турадиган **7 — 14 ёшгача** болаларнинг дам олиши ва соғломлаштирилиши учун ташкил этилади.

**Санаторий-соғломлаштириш оромгоҳларида болаларнинг дам олиши ва соғломлаштирилишини ташкил этиш** даволаш-соғломлаштириш режимига қатъий риоя қилган ҳолда даволаш бадантарбияси, тўйимли овқатланиш ҳамда касаллик тури ва хусусиятига мос келувчи профилактик муолажага **асосланади.**

**Санаторий-соғломлаштириш оромгоҳларида болаларнинг жисмоний тарбияси тиббий назорат остида олиб борилади.** Соғломлаштирилаётган болалар учун жисмоний зўриқиш даражаси ва режими шифокор томонидан белгиланади.

**Санаторий-соғломлаштириш оромгоҳларида олис масофага ва узоқ вақт давом этувчи саёҳатлар ташкил этилмайди, ҳарбий ўйинлар ва спорт мусобақалари ўтказилмайди.** Узоққа ёки тез югуриш, чидамликни назарда тутувчи машғулотлар ўтказилиши мумкин.




**Экологик-биологик ва ўлкашунослик оромгоҳларида 7 — 14 ёшгача** болалар учун сайёҳлик-ўлкашунослик ва экскурсия ишлари ташкил этилади, уларга мамлакатимизнинг табиий, ижтимоий-иқтисодий ва тарихий жиҳатдан ўзига хос жиҳатлари чуқур ўргатилади.

Экологик-биологик ва ўлкашунослик оромгоҳларида болалар учун сайёҳлик, ўлкашунослик, табиатшунослик ва экология йўналишларида **тўғараклар ташкил этилади.**

Тўғаракларда болаларга табиат ҳодисаларини кузатиш ва таққослаш, экологик муаммоларни ўрганиш ва муҳокама қилиш, шунингдек, тажрибалар ўтказиш учун зарур **шарт-шароитлар яратилади.**

Экологик-биологик ва ўлкашунослик оромгоҳлари томонидан уларда ўтказиладиган машғулотларнинг хусусиятини инобатга олган ҳолда турли йўналишлар бўйича **саёҳатлар ташкил этилади.**



**Меҳнат ва дам олиш оромгоҳлари 15 — 18 ёшгача** болаларнинг ижтимоий фойдали меҳнати дам олиш ва соғломлаштириш билан бирга қўшиб олиб борилишига йўналтирилиб, болалар ижтимоий фойдали меҳнатга тайёрланади ва уларнинг меҳнат кўникмалари шакллантирилади.

Меҳнат ва дам олиш оромгоҳларида ҳар бир мавсум 12 кундан кўп бўлмаган муддатга белгиланади.

**Болаларни** ижтимоий фойдали меҳнатга тайёрлаш ва уларнинг меҳнат кўникмаларини шакллантиришда бажараётган ишининг тури ва муддатларидан қатъи назар, **меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари талабларига риоя қилиниши шарт.**

**Меҳнат ва дам олиш оромгоҳларига қабул қилинган болалар қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган ишларга жалб қилинишига йўл қўйилмайди.**

Меҳнат ва дам олиш оромгоҳларининг **кун тартибини ишлаб чиқишда** болаларнинг меҳнат фаолиятини жисмоний соғломлаштириш ва маданий-оммавий **тадбирлар билан уйғунлаштирилган ҳолда олиб бориш назарда тутилади.**

# БОЛАЛАРНИНГ ДАМ ОЛИШИ ВА СОҒЛОМЛАШТИРИЛИШИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ



Оромгоҳларда болаларнинг дам олиши ва соғломлаштирилиши Болаларнинг дам олишларини тизимли ташкил этиш ва соғломлаштириш масалалари бўйича республика комиссияси қарори асосида **мактаб таътиллари (ёзги, кузги, қишки ва баҳорги) даврида ташкил этилади**, қолган вақтларда оромгоҳлар дам олиш маскани сифатида фаолият юритади.



**Болалар стационар оромгоҳларга йўлланма асосида юборилади.** Йўлланмалар болаларнинг ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар (*кейинги ўринларда — ота-оналар*) ишлаётган ташкилотлар, ҳомийлар, касаба уюшмаларининг маблағлари ва қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа **маблағлар ҳисобидан харид қилинади.**

Болалар йўлланма ва боланинг соғлиғи ҳақидаги **тиббий маълумотнома (079/х-шакл) асосида стационар оромгоҳга қабул қилинади.** Стационар оромгоҳга болалар мазкур оромгоҳ **тиббиёт ходимлари кўригидан ўтказилган ҳолда қабул қилинади.**



Тиббий кўрик жараёнида болада бирор **касаллик аломати аниқланса**, бола стационар **оромгоҳга қабул қилинмайди** ва унинг **даволаниши учун 3 кун муддат берилади.** Бола 3 кун ичида даволаниб келган тақдирда қабул қилинади.

**Даволаниш муддати 3 кундан ортиқ давом этган тақдирда**, ота-онасининг 10 кун ичида берган мурожаатига асосан болага берилган йўлланма қайтариб олинади, йўлланма учун тўланган маблағнинг **85 фоизи йўлланма тўловини амалга оширган шахсга қайтарилади.**

**Тиббиёт ходимлари** стационар оромгоҳга тегишли ҳудудий **соғлиқни сақлаш органлари билан келишган ҳолда ишга қабул қилинади.** Тиббиёт ходимлари ва оромгоҳ раҳбарияти болаларнинг ҳаёти, соғлиғи ва жисмоний ривожланиши, улар билан мавсум давомида даволаш-профилактика ишлари олиб борилиши, санитария қоидалари, нормалари ва гигиена **нормативларига риоя қилиниши учун масъул ҳисобланади.**





Болалар ҳамда оромгоҳ ходимларига биринчи тиббий ёрдам бепул кўрсатилади.



Стационар оромгоҳ **ходимлари учун** болаларнинг дам олиши ва соғломлаштирилиши мавсуми давомида **яшаш ва овқатланиш бепул** амалга оширилади, бунинг учун сарфланадиган харажатлар оромгоҳ маблағлари ва муассис(лар) ҳисобидан қопланади.



**Кундузги оромгоҳ** ёки соғломлаштириш майдончасининг кундалик фаолияти муассис(лар) қарорига кўра қуйидагича ташкил этилади:

соат 08.30 дан 14.00 гача;

соат 08.30 дан 17.00 гача.



Болалар ота-оналарнинг аризаси ва боланинг соғлиғи ҳақида берилган **тиббий маълумотнома (079/х-шакл) асосида кундузги оромгоҳ ёки соғломлаштириш майдончасига қабул қилинади.**

*Кундузги оромгоҳ ёки соғломлаштириш майдончасининг **раҳбари томонидан** болаларнинг дам олиши ва соғломлаштирилиши мавсуми бошлангунига қадар оромгоҳда смена бўйича **болаларнинг рўйхати тасдиқланади.***

**Оромгоҳларнинг ҳар бир тўғарагида камида 10 нафар болалардан иборат гуруҳлар ташкил этилади.**



Оромгоҳларда барча йўналишдаги **тўғарак машғулоти учун ҳафтада 4 академик соат, сайёҳлик-ўлкашунослик, ижодкорлик ва робототехника йўналишидаги тўғараклар учун ҳафтада 6 академик соат ажратилади.**



**Тўғаракларнинг фаолияти** оромгоҳлар раҳбарлари томонидан тасдиқланадиган ўқув режа ҳамда болаларнинг ёши, психофизиологик хусусиятлари ҳамда санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари инобатга олинган ҳолда тузилган **машғулотлар жадвали асосида амалга оширилади.**



# БОЛАЛАРНИНГ ДАМ ОЛИШИ ВА СОҒЛОМЛАШТИРИЛИШИ ЖАРАЁНИ ИШТИРОКЧИЛАРИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

**Болалар, ота-оналар ва педагог ходимлар болаларнинг дам олиши ва соғломлаштирилиши жараёни иштирокчилари ҳисобланади.**

## БОЛАЛАР ҚУЙИДАГИ ҲУҚУҚЛАРГА ЭГА:

- оромгоҳнинг ички тартиб-қоидалари билан танишиш;
- оромгоҳда қизиқишига кўра тўғарак турини танлаш ва унда бепул таълим олиш;
- оромгоҳнинг тиббий ва қўшимча таълим хизматларидан фойдаланиш;
- оромгоҳнинг моддий-техника базасидан самарали фойдаланиш;
- оромгоҳдаги шароит, овқатланиш, тиббий хизмат ва ўқув жараёни масалаларида юзага келган муаммолар бўйича оромгоҳ раҳбариятига мурожаат қилиш;
- оромгоҳ фаолиятини такомиллаштиришга оид таклифлар бериш.

*Болалар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.*



## БОЛАЛАР ҚУЙИДАГИЛАРГА МАЖБУР:

- оромгоҳ ички тартиб-қоидаларига риоя қилиш;
- оромгоҳ ҳудудини раҳбарият рухсатисиз ва педагоглар кузатувисиз тарк этмаслик;
- санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига амал қилиш;
- ўзи ва атрофидагиларнинг соғлиғига зарар етказадиган ҳаракатлар қилмаслик;
- атроф-муҳит ва ўсимликларга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш.

*Болаларга қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам юкланиши мумкин.*

## ОТА-ОНАЛАР ҚҰЙИДАГИ ҲУҚУҚЛАРГА ЭГА:

- оромгоҳ томонидан болаларга сифатли хизмат кўрсатилишини талаб қилиш;
- оромгоҳнинг ички тартиб-қоидалари, кун тартиби ва таомнома билан танишиш;
- ўз хоҳишига кўра болаларни оромгоҳдан муддатидан олдин олиб кетиш;
- оромгоҳ фаолиятини такомиллаштириш юзасидан оромгоҳ раҳбариятига таклиф бериш.

*Ота-оналар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.*

## ОТА-ОНАЛАР ҚҰЙИДАГИЛАРГА МАЖБУР:

- болаларнинг дам олиши ва соғломлаштирилиши даврида фарзандини зарур кийим-бош ва шахсий гигиена воситалари билан таъминлаш;
- фарзандини оромгоҳга ёки кузатиш-кутиб олиш жойига ўз вақтида олиб келиш ва олиб кетиш.

*Ота-оналарга қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам юкланиши мумкин.*

## ОРОМГОҲНИНГ ПЕДАГОГ ХОДИМЛАРИ ҚҰЙИДАГИ ҲУҚУҚЛАРГА ЭГА:

- оромгоҳнинг ички тартиб-қоидалари билан танишиш;
- ўз касбий шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш;
- оромгоҳни бошқаришда иштирок этиш;
- оромгоҳ раҳбариятига оромгоҳ фаолиятини такомиллаштириш бўйича таклифлар киритиш.

*Оромгоҳнинг педагог ходимлари қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.*



## ОРОМГОҲНИНГ ПЕДАГОГ ХОДИМЛАРИ ҚҲЙИДАГИЛАРГА МАЖБУР:

- оромгоҳнинг ички тартиб-қоидаларига риоя қилиш;
- машғулотларни тасдиқланган ўқув режа асосида ташкил этиш;
- болаларга ҳурмат билан муносабатда бўлиш;
- болаларнинг ҳаёти ва соғлигини муҳофаза қилиш.

*Оромгоҳнинг педагог ходимларига қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам юкланиши мумкин.*

## ОРОМГОҲ РАҲБАРИ ҚҲЙИДАГИ ҲУҚУҚЛАРГА ЭГА:

- оромгоҳ ходимлари ва дам олувчилардан оромгоҳнинг ички тартиб-қоидаларига риоя этилишини талаб қилиш;
- ўқув ва маданий-маърифий дастурлар, спорт тадбирлари ҳамда тўғарак машғулотларини такомиллаштириш бўйича таклифлар киритиш;
- оромгоҳнинг ички тартиб-қоидаларини қўпол равишда бузган болаларни оромгоҳдан четлаштириш ва кейинги сменаларга қабул қилмаслик.

*Оромгоҳ раҳбари қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.*

## ОРОМГОҲ РАҲБАРИ ҚҲЙИДАГИЛАРГА МАЖБУР:


- болаларнинг дам олиши ва соғломлаштирилиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш;
- тўғаракларни болаларнинг ёши, психофизиологик ҳолати ва қизиқишларини инобатга олган ҳолда ташкил этиш;
- моддий-техника базадан самарали фойдаланилиши ва асраб-авайланишини таъминлаш;
- болаларнинг дам олиши ва соғломлаштирилиши жараёни иштирокчиларига бепул тиббий хизмат кўрсатиш ва уларни дори-дармон билан таъминлаш;
- боланинг саломатлиги жиддий ёмонлашган ҳолларда унинг ота-онасини ҳамда оромгоҳга бириктирилган тиббиёт муассасасини хабардор қилиш.

*Оромгоҳ раҳбарига қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам юкланиши мумкин.*


# ОРОМГОҲЛАРНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ

Оромгоҳларда болаларнинг дам олиши ва соғломлаштирилиши учун зарур бўладиган маблағлар миқдори дам олиши ва соғломлаштирилиши режалаштирилган болалар сонидан келиб чиқиб аниқланади.

**Стационар оромгоҳларда** харажатлар қуйидаги манбалар ҳисобидан қопланади:


- 
- йўлланмаларни сотишдан тушган маблағлар;
  - касаба уюшмалари маблағлари;
  - муассис(лар)нинг маблағлари;
  - жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;
  - қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа маблағлар.

➤ **Муассис** стационар оромгоҳнинг болаларни қабул қилиш қуввати доирасида **ўз ҳисобидан болалар учун қўшимча ўринлар** ташкил қилиши мумкин.

 Стационар оромгоҳнинг молиявий-хўжалик фаолияти доимий, бироқ мавсум давомида **камида бир марта муассис(лар) томонидан текширилади.**

➤ **Мавсум якунлангандан** сўнг стационар оромгоҳнинг молиявий-хўжалик фаолияти муассис(лар) томонидан тафтиш қилинади ҳамда оромгоҳнинг мол-мулки тўлиқ хатловдан ўтказилади.

**Кундузги оромгоҳларда** харажатлар қуйидаги манбалар ҳисобидан қопланади:

- 
- ота-оналар тўлови;
  - жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;
  - муассиснинг маблағлари;
  - қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа маблағлар.

**Кундузги оромгоҳларда болаларни овқатлантириш** *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида соғлом овқатланишни ташкил этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2016 йил 2 майдаги 132-сон қарорига мувофиқ шартнома асосида амалга оширилади.*

➤ Ота-оналар томонидан **бир нафар бола учун амалга ошириладиган тўлов миқдори** оромгоҳдаги болаларни овқатлантириш учун сарфланадиган маблағларнинг бошқа манбалари ҳисобидан қопланмайдиган қисмини режадаги болалар сонига бўлиш орқали муассис томонидан белгиланади.

➤ **Болаларни овқатлантириш учун сарфланадиган** маблағлар миқдори санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларида белгиланган **бир кунлик овқатланиш нормативи** ҳамда оромгоҳда бўлиш муддатидан келиб чиқиб, кундузги оромгоҳлар ташкил этиладиган муассаса ошхонасида ижара шартномаси асосида **фаолият кўрсатадиган тадбиркорлик субъектининг харажатлари инобатга олинган ҳолда белгиланади.**

➤ Кундузги оромгоҳларда болаларнинг дам олиши ва соғломлаштирилиши жараёнига оромгоҳ ташкил этилган муассасада фаолият кўрсатаётган педагог ва бошқа ходимлар билан бирга ихтиёрийлик асосида **бошқа таълим муассасаларининг педагог ва бошқа ходимлари ҳам жалб этилади.** Шартномага асосан, педагог ва бошқа ходимларга оромгоҳдаги фаолияти учун ҳақ тўланади.

➤ **Ота-оналар тўловини тўлаш ва харажатларни амалга ошириш учун** кундузги оромгоҳлар ташкил этиладиган муассасага хизмат кўрсатувчи тегишли ғазначилик бўлинмасида **шахсий ғазна ҳисобварағи очилади.**



# БОЛАЛАР СОҒЛОМЛАШТИРИШ ОРОМГОҲЛАРИ БАЗАСИДА ТАШКИЛ ЭТИЛАДИГАН ДАМ ОЛИШ МАСКАНЛАРИ

**Дам олиш маскани доимий равишда фаолият кўрсатади.** Дам олиш маскани болаларнинг дам олиши ва уларни соғломлаштириш мавсумида ўз фаолиятини вақтинча тўхтатиб туради.

Тизимида дам олиш маскани мавжуд ташкилот дам олиш масканининг фаолияти ҳамда дам олувчиларга хизмат кўрсатишнинг сифати устидан назорат қилади.

## ҚУЙДАГИЛАР ДАМ ОЛИШ МАСКАНИНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ ҲИСОБЛАНАДИ:

- дам олувчиларнинг дам олиши ва соғломлаштирилишини ташкил этиш;
- дам олувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш;
- дам олиш масканининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш.

## ДАМ ОЛИШ МАСКАНИ ҚУЙДАГИ ҲУҚУҚЛАРГА ЭГА:

дам олиш масканининг ички тартиб-қоидаларини бузган дам олувчини дам олиш масканидан четлаштириш;

дам олувчилар томонидан дам олиш масканининг мол-мулкига етказилган зарарни қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ундириб олиш.

*Дам олиш маскани қонунчилик ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳуқуқларга эга бўлиши мумкин.*

## ДАМ ОЛИШ МАСКАНИ ҚУЙДАГИЛАРГА МАЖБУР:

дам олувчиларга сифатли хизмат кўрсатиш;

дам олиш масканининг ҳудуди, бино ва иншоотларининг тегишли санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари ҳамда хавфсизлик талабларига мувофиқлигини таъминлаш;

дам олиш масканини хўжалик, маданий ва спорт анжомлари билан жиҳозлаш;

дам олувчиларни сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш.

*Дам олиш маскани ўз зиммасига қонунчилик ҳужжатларида белгиланган бошқа мажбуриятларни ҳам олиши мумкин.*

## ➤ ДАМ ОЛИШ МАСКАНИНИНГ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ◀

**Дам олиш масканлари оромгоҳлар базасида ташкил этилади.** Дам олиш масканлари алоҳида юридик шахс ташкил этган ҳолда фаолият кўрсатиши мумкин.

**Дам олиш маскани раҳбари** муассис ёки оромгоҳ раҳбари томонидан лавозимга **тайинланади** ва озод этилади.

### ДАМ ОЛИШ МАСКАНИ РАҲБАРИ:

- дам олиш маскани фаолиятига умумий раҳбарлик қилади;  
дам оловчиларни қабул қилиш, жойлаштириш ва уларни дам олиш
- масканининг ички тартиб-қоидалари билан таништириш бўйича ишларни ташкил этади;  
дам олиш маскани фаолияти билан боғлиқ масалалар бўйича
- буйруқлар қабул қилади ҳамда дам олиш масканига юклатилган вазифаларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради;  
дам олиш маскани ҳужжатларининг тўғри расмийлаштирилиши,
- ҳисоботларининг олиб борилиши ва белгиланган тартибда сақланишини назорат қилади;  
дам олиш масканининг фаолият юритиши учун уни зарур бўлган жиҳозлар ва воситалар билан таъминлайди;
- дам оловчиларнинг мурожаатларини кўриб чиқади;
- дам олиш маскани мол-мулкининг бут сақланишини таъминлайди;  
дам олиш маскани ходимлари билан қонунчилик ҳужжатларида
- белгиланган тартибда меҳнат шартномасини тузади, ўзгартиради ва бекор қилади.

Дам олиш масканида мазкур Кўлланманинг иловасига мувофиқ шаклдаги Дам олиш масканларида дам оловчиларни **рўйхатга олиш китоби юритилади**. Дам оловчилар рўйхати махсус электрон дастурлар орқали юритилиши мумкин. Дам олиш масканларида дам оловчиларни рўйхатга олиш китоби рақамланган, тикилган ҳамда дам олиш маскани **раҳбари томонидан имзоланган ва муҳрланган бўлиши зарур**.

Дам олиш масканига келган дам олувчилар дам олиш маскани ходимига ўзларининг **шахсини тасдиқловчи ҳужжати ва йўлланмасини тақдим этади.**



Дам олиш маскани **раҳбари** дам олувчиларнинг ҳордиқ чиқаришлари ва саломатликларини мустаҳкамлашлари учун уларнинг ёши ва соғлиғини инобатга олган ҳолда зарур **шарт-шароитлар яратади, соғломлаштириш, маданий ва спорт тадбирларини ташкил этади ҳамда саёҳатлар уюштиради.**

Дам олиш масканининг **йўлланмалари** қатъий ҳисобда турувчи ҳужжатлар бўлиб, ҳисобга олиш серияси ва рақамига эга бўлади.

*Дам олувчи томонидан йўлланмадан фойдаланиш имкони бўлмаса, йўлланма дам олиш муддати бошланишидан камида 5 кун олдин дам олиш масканига қайтарилиши лозим.*

#### **ДАМ ОЛИШ МАСКАНЛАРИНИ САҚЛАБ ТУРИШ ХАРАЖАТЛАРИ ҚҲЙИДАГИ МАНБАЛАР ҲИСОБИДАН ҚОПЛАНАДИ:**

- йўлланмаларни сотишдан тушган маблағлар;
- дам олувчиларга кўрсатилган хизматлардан тушган маблағлар;
- тизимида дам олиш маскани мавжуд ташкилот ёки оромгоҳлар томонидан ажратиладиган маблағлар;
- жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;
- қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа маблағлар.

*Дам олиш масканининг бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.*



# БОЛАЛАРНИНГ ДАМ ОЛИШЛАРИНИ ТИЗИМЛИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА СОҒЛОМЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА РЕСПУБЛИКА ВА ҲУДУДИЙ КОМИССИЯЛАР



## ҚУЙИДАГИЛАР РЕСПУБЛИКА КОМИССИЯСИНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ ҲИСОБЛАНАДИ:

болалар соғломлаштириш оромгоҳлари (кейинги ўринларда — оромгоҳлар) фаолиятини тизимли ва самарали ташкил этиш, улардаги маиший, коммунал, транспорт ва тиббий таъминот тизимларининг ишончли ва узлуксиз фаолият кўрсатиши бўйича комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

оромгоҳларда болаларни ватанпарварлик, умуминсоний ва миллий қадриятлар руҳида тарбиялаш, уларда эркин фикрлаш қобилиятини шакллантиришга қаратилган таълим-тарбия ишларини ҳамда маданий-маърифий тадбирларни таълим, фан, маданият, адабиёт ва санъат соҳаларининг вакиллари иштирокида ташкил этиш;

оромгоҳларда болалар ўртасида соғлом турмуш тарзини мустаҳкамлашга, шу жумладан таниқли спортчилар иштирокида оммавий спорт мусобақалари ўтказишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

оромгоҳларда сифатли шошинч тиббий ёрдам хизматини жорий этиш, уларни зарур дори воситалари ва тиббий буюмлар билан таъминлаш, шунингдек, санитария нормалари, қоидалари ва гигиена нормативлари, ёнғин хавфсизлиги фаолиятини техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига риоя этилиши устидан қатъий назоратни таъминлаш;

оромгоҳларга жалб этиладиган болалар салмоғини йилдан-йилга ошириб боришни назарда тутган ҳолда, оромгоҳларда мавжуд имкониятлар ҳамда дам олувчиларга кўрсатиладиган хизматлар доирасини кенгайтириб бориш;

оромгоҳларда хавфсизликни таъминлаш ҳамда табиий ва техноген тусдаги фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш бўйича тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш;

оромгоҳларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга қаратилган комплекс чора-тадбирлар режаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.



## **РЕСПУБЛИКА КОМИССИЯСИ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИДАН КЕЛИБ ЧИҚИБ ҚҲЙИДАГИ ФУНКЦИЈАЛАРНИ АМАЛГА ОШИРАДИ:**

болаларнинг дам олиши ва соғломлаштирилишини сифатли ташкил этиш мақсадида тегишли йўналишлар бўйича чора-тадбирлар белгилайди;

болаларнинг дам олиши ва соғломлаштирилиши мавсуми бошланиши олдидан оромгоҳларнинг болаларни қабул қилишга тайёрлигини текшириш чораларини кўради;

вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарларининг оромгоҳлар фаолиятини ташкил этиш борасида амалга оширилаётган ишлари тўғрисидаги ҳисоботларини эшитади;

вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан республика комиссиясига юкланган вазифаларнинг бажарилишини таъминлаш учун зарур ахборотларни сўраб олади;

болаларнинг дам олишини ташкил этиш ва соғломлаштириш чора-тадбирлари учун ҳомийликни жалб этиш, маблағларни мақсадли йўналтириш ҳамда сарфланишини назорат қилади;

болаларнинг дам олишини ташкил этиш ва соғломлаштириш бўйича услубий материаллар тайёрлаш жараёнига мутахассислар ва экспертларни жалб этади.



## РЕСПУБЛИКА КОМИССИЯСИНИНГ ИШЧИ ГУРУҲЛАРИ

*Республика комиссияси ўз фаолиятини тизимли йўлга қўйиш, белгиланган вазифаларни ўз вақтида ва сифатли бажариш мақсадида ишчи гуруҳлар тузади.*



Оромгоҳларда таълим-тарбиявий ишларни ташкил этиш, уларни малакали педагог ва етакчилар билан таъминлаш бўйича **1-ишчи гуруҳ:**

- оромгоҳларни малакали педагог ходимлар билан таъминлайди, улар учун қисқа муддатли ўқув курслари ташкил этади;
- оромгоҳларнинг ахборот-ресурс марказларини китоблар, бадий адабиётлар, газета ва журналлар билан таъминлайди;
- болаларни ватанпарварлик, умуминсоний ва миллий қадриятлар руҳида тарбиялаш, уларда эркин фикрлаш қобилиятини шакллантиришга қаратилган услубий қўлланмалар тайёрлайди ва ҳар бир оромгоҳга етказди;
- таълим йўналишлари бўйича турли танловлар, болалар онгини ривожлантиришга қаратилган интеллектуал ўйинлар ўтказиш, тўғарақлар ташкил этиш ишларини йўлга қўяди.

Болаларга малакали тиббий хизмат кўрсатиш, оромгоҳларда озиқ-овқат маҳсулотлари сифатини, санитария-гигиена талабларига риоя этилишини назорат қилиш бўйича **2-ишчи гуруҳ:**



- оромгоҳларни етарли миқдордаги барча зарур дори-дармон воситалари, шу жумладан, илон ва қорақурт захрига қарши зардоблар билан таъминлайди;
- оромгоҳларни малакали тиббиёт ходимлари билан таъминлайди, улар учун қисқа муддатли ўқув курслари ташкил этади;
- оромгоҳларда озиқ-овқат маҳсулотлари ва ичимлик сувининг сифатини ҳамда санитария-гигиена талабларига риоя этилишини ўрганиб боради ҳамда аниқланган камчиликларнинг зудлик билан бартараф этилишини ташкил қилади;

болалар билан соғлом турмуш тарзи бўйича давра суҳбатлари, савол-жавоблар, даволаш-профилактик, санитария-гигиеник ва эпидемияга қарши тадбирлар ўтказиш, болаларнинг ёшини эътиборга олган ҳолда, улар ўртасида турли юқумли касалликларнинг олдини олиш бўйича санитария-гигиенага доир тушунтириш ишларини олиб боради.



Болаларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга қаратилган маънавий-маърифий тадбирлар ва спорт мусобақаларини ўтказиш, уларга маданий хизмат кўрсатишни ташкил этиш бўйича **3-ишчи гуруҳ:**

маданий-маърифий тадбирларни ўтказиш мақсадида ҳар бир оромгоҳ бўйича алоҳида дастур ишлаб чиқирилишини ва амалга оширилишини таъминлайди;

оромгоҳларга маданият ва фан ходимлари, ёзувчи ва шоирлар, машҳур спортчиларнинг ташрифини ташкил этиб, болалар билан учрашувлар, давра суҳбатлари, бадиий кечалар, маҳорат дарслари ўтказиш;

оромгоҳларда мумтоз ва эстрада санъаткорларининг чиқишларини, миллий концерт намойишларини ташкил этади;

оромгоҳларда ўзбек миллий кинофильмлари намойишларини ўтказиш;

болалар ўртасида турли спорт мусобақаларини ташкил этади.



Оромгоҳларда жамоат тартибини сақлаш, алоқа, транспорт хизмати ва ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, фавқулодда вазиятлар бўйича профилактик тадбирлар ўтказиш бўйича **4-ишчи гуруҳ:**

болаларни дам олишини ташкил этиш ва соғломлаштириш давомида оромгоҳларда жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш борасидаги ишларни ташкил этади;

оромгоҳлардаги болалар ҳамда уларга хизмат кўрсатаётган ходимларнинг юзага келиши мумкин бўлган фавқулодда вазиятлар

бўйича ҳушёрлигини ошириш юзасидан профилактик тадбирлар ўтказилишини таъминлайди;

➤ ҳар бир оромгоҳга ички ишлар органлари ходимларини бириктириб, уларнинг доимий равишда навбатчилигини ташкил этади;

➤ болаларнинг белгиланган жойлардан оромгоҳларга бориб-келишларини таъминлайди, бунда йўл ҳаракати хавфсизлиги ходимлари кузатувини ташкил этади;

➤ оромгоҳларга болаларни олиб бораётган ва олиб келаётган ҳар бир транспорт воситасининг техник жиҳатдан соз бўлишини мунтазам равишда назорат қилиб боради;

➤ оромгоҳларга олиб борадиган йўлларнинг хавфсизлик нуқтаи назаридан соз бўлишини таъминлайди;

➤ юзага келадиган фавқулодда вазиятлар ва табиий офатларнинг олдини олиш барча зарур чораларни кўради;

➤ тектоник ҳудудда жойлашган ёки сел келиши хавфи бўлган оромгоҳлар фаолиятини вақтинча ёпиш чоралари кўрилишини таъминлайди;

➤ болалар учун йўл ҳаракати қоидаларига риоя этиш бўйича ўқув машғулотлари олиб борилишини таъминлайди.



Оромгоҳларда электр энергияси ва табиий газ таъминоти узлуксизлигини таъминлаш, уларга сифатли коммунал хизмат кўрсатиш бўйича **5-ишчи гуруҳ:**

➤ оромгоҳларда электр энергияси ва табиий газ узлуксизлигини таъминлайди, фавқулодда ҳолатларда электр энергияси ўчиб қолганда қўшимча чоралардан фойдаланиш имкониятини яратади, бу борада ҳар бир ҳудудда штаблар ташкил этиб, уларнинг фаолиятини назорат қилиб боради;



оромгоҳларда тоза ичимлик суви таъминотини ташкил этади, чекка ҳудудларда жойлашган оромгоҳларга ичимлик сувининг махсус транспорт воситалари орқали узлуксиз равишда етказиб берилишини таъминлайди;



оромгоҳларда ободонлаштириш ишлари олиб борилишини ташкил этади, ободонлаштириш учун зарур бўлган махсус транспорт воситалари хизматларини ташкил этади.



## ҲУДУДИЙ КОМИССИЯЛАР ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ



**Ҳудудий комиссиялар болаларнинг дам олишини ва соғломлаштиришни ташкил этиш бўйича жойлардаги ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириб бориш учун ташкил этилади.**

### ҲУДУДИЙ КОМИССИЯЛАР:

болаларни дам олишини ташкил этиш ва соғломлаштириш режасини амалга ошириш учун талаб этиладиган молиялаштириш манбаларини аниқлаштиради;

оромгоҳларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларни реконструкция қилиш, капитал ва жорий таъмирлаш чоратadbирларини амалга оширади;

оромгоҳларни сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни назорат қилади;

оромгоҳларни зарур техника ва воситалар билан таъминлаш чораларини кўради;

болаларни дам олишини ташкил этиш ва соғломлаштириш чоратadbирлари ижросини тўлиқ ва сифатли бажариш юзасидан ҳомийлик жалб этади ва уларнинг мақсадли сарфланишини назорат қилади;

оромгоҳлар фаолиятини такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрлайди ва кўриб чиқиш учун республика комиссиясига тақдим этади.





**Худудий комиссиялар мажлислари йилига камида икки марта** ўтказилади, комиссия раиси томонидан ёки аъзоларнинг таклифига кўра **навбатдан ташқари** мажлислар чақирилиши мумкин. Мажлис чақирилиши ҳақида худудий комиссиялар аъзолари мажлис ўтказилишидан **камида бир ҳафта олдин хабардор қилинади.** Худудий комиссиялар мажлислари аъзоларининг **кўпчилиги иштирок этганда ваколатли ҳисобланади.** Худудий комиссиялар қарорлари мажлисда **иштирок этаётганларнинг ярмидан кўпи қўллаб-қувватлаганда қабул қилинган ҳисобланади,** овозлар тенг бўлганда раиснинг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

## ДАМ ОЛИШ МАСКАНЛАРИДА ДАМ ОЛУВЧИЛАРНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ

## КИТОБИ

Т/р	Дам олувчининг Ф.И.О.	Туғилган санаси	Шахсни тасдиқловчи ҳужжат маълумотлари <i>(серияси, рақами, қачон ва ким томонидан берилган)</i>	Йўлланманинг серияси ва рақами	Йўлланмада кўрсатилган муддат		Дам олган куни		Эслатма
					дан	гача	дан	гача	
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10

\_\_\_\_\_

(Ф.И.О. ва лавозими)





Lined writing area with horizontal lines.